



Ishonch

2016-yil
17-sentabr,
shanba

№ 111
(3772)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Устувор вазифалар белгиланди

Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи, Республика Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 16 сентябр куни Жиззах вилоятига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев сафар давомидида вилоятнинг Жиззах шаҳри, Пахтакор, Зафаробод, Дўстлик туманларида бўлди.

Жиззах вилояти фаоллари билан бўлиб ўтган йиғилишда давлатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг Ватанимиз озодлиги, юрт равнақи, тинчлигини таъминлаш борасидаги фаолияти, беқийс хизматлари алоҳида қайд этилди. Халқимиз қалбидан чуқур жай олган бу буюк сиймонинг ҳаёт йўли бугунги ва келажак авлод учун ибрат мактаби вазифасини ўташи таъ-

қидланди. Сўнгги чорак аср мобайнида эришилган оламшумул ютуқларимиз қўламини янада ошириш барчамизнинг бурчимиз эканига алоҳида ургу берилди.

Шу билан бирга, танқидий руҳда ўтган мазкур йиғилишда вилоятда саноат соҳасининг ривожланиши, етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва кузги галла қиш мавсумининг боришига доир масалалар таҳлил этилди. Иқтисодиётда олиб борилаётган ислохотларни изчил ривожлантириш борасидаги долзарб вазифалар, коммуникация тизимла-

рини янада тараққий эттириш, ободонлаштириш, замонавий бино ва иншоотларни қуриш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Аҳоли тураржойлари фонди ва ижтимоий соҳа муассасаларини кузги-қишги мавсумга тайёрлаш, саноат ва бошқа соҳаларнинг бир маромда фаолият юритишини таъминлаш масалалари ҳам йиғилиш қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Шу кунги Халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала қўриб чиқилди. Иш фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйгани учун Жиззах шаҳар ҳокими Асрор Қобилов ўз вазифасидан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев-

нинг тавсиясига кўра Жиззах шаҳар ҳокими вазифасига Абдуқаҳҳор Тўхтаев тасдиқланди.

Шу куннинг ўзида яна бир нечта ташкилий масалалар қўриб чиқилди. Жумладан, ишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни учун Жиззах вилояти прокурори, шунингдек, қатор туман ҳокимлари эғаллаб турган лавозимидан озод этилди ва уларнинг ўрнига янги номзодлар тасдиқланди.

Жиззах вилояти раҳбарияти зиммасига аниқланган камчиликларни бартараф қилиш, барча соҳа ва тармоқларни ривожлантириш бўйича белгиланган дастурларни ҳаётга изчил жорий этиш ва уларнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган долзарб ва истикболли чоратadbirlar белгиланган вазифаси юклатилди.

ЎЗА

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

15 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.



Мажлисида шу йилнинг декабр ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Асосий тadbirlar дастурига мувофиқ, пухта ҳозирлик қўрилаётгани таъкидланди.

Мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 9 ва 14-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чега-

ралари доирасида тузилди.

Сайлов округлари рўйхати сайловчилар сони ҳамда округ сайлов комиссиялари қаерда жойлашганлиги кўрсатилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Шунингдек, мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 14-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

1-Қорақалпоғистон сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ёшлар маркази биноси, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон кўчаси, 23-уй. Сайловчилар сони — 1188763 киши. Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.

2-Андижон сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Андижон вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 32-уй. Сайловчилар сони — 1984247 киши. Андижон вилояти чегараси доирасида.

3-Бухоро сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Бухоро вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 3-уй. Сайловчилар сони — 1265163 киши. Бухоро вилояти чегараси доирасида.

4-Жиззах сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Республика Маънавият тарғибот маркази Жиззах вилояти бўлими биноси, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шоҳкўчаси, 70-уй. Сайловчилар сони — 844309 киши. Жиззах вилояти чегараси доирасида.

5-Навоий сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — «Фарҳод» маданият саройи биноси, Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 58-уй. Сайловчилар сони — 641380 киши. Навоий вилояти чегараси доирасида.

6-Наманган сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ёшлар маркази биноси, Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 15-уй. Сайловчилар сони — 1771067 киши. Наманган вилояти чегараси доирасида.

7-Самарқанд сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей биноси, Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси, 237-уй. Сайловчилар сони — 2373738 киши. Самарқанд вилояти чегараси доирасида.

8-Сирдарё сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Сирдарё вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 66-уй. Сайловчилар сони — 529810 киши. Сирдарё вилояти чегараси доирасида.

9-Сурхондарё сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 12-«В» уй. Сайловчилар сони — 1581214 киши. Сурхондарё вилояти чегараси доирасида.

10-Тошкент вилояти сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Тошкент вилояти молия бошқармаси биноси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй. Сайловчилар сони — 1943289 киши. Тошкент вилояти чегараси доирасида.

11-Фарғона сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ўзбекистон «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши биноси, Фарғона шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 27-уй. Сайловчилар сони — 2417891 киши. Фарғона вилояти чегараси доирасида.

12-Хоразм сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — «Барқамол авлод» болалар маркази биноси, Урганч шаҳри, Гафур Фулом кўчаси, 1-уй. Сайловчилар сони — 1167263 киши. Хоразм вилояти чегараси доирасида.

13-Қашқадарё сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — «Ўзгеобургунефтгаз» акциядорлик компанияси биноси, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 35-уй. Сайловчилар сони — 1984042 киши. Қашқадарё вилояти чегараси доирасида.

14-Тошкент шаҳар сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Тошкент шаҳар ҳокимлиги маъмурий бинолардан фойдаланиш департаменти биноси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 14-уй. Сайловчилар сони — 1742833 киши. Тошкент шаҳри чегараси доирасида.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси Раиси

М.Абдусаломов

Тошкент шаҳри,
2016 йил 15 сентябр

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛДИ

2016 йил 16 сентябр куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотирасига хурмат бажо келтирди.

Пленумда 2016 йил 4 декабр куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг иштироки, Президентликка партиядан номзод кўрсатиш ҳамда партиянинг навбатдаги Съездини чақиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг уставиди партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этиши белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда Пленумда партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Сарвар Саъдуллаевич Отаму-

ратов номзодини қўллаб-қувватлади. Сайлов қонунчилигига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига партиядан номзод кўрсатиш партиянинг олий органи — Съезди томонидан амалга оширилади. Шундан келиб чиқиб, Пленумда жорий йил 15 октябрь куни партиянинг навбатдаги V Съездини чақириш ва бу масалани Съезд муҳокамасига қўйишга келишиб олинди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга асосан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига ижозат олиш учун партиядан тегишли ҳужжатлар Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Шу йил 16 сентябр куни Тошкент шаҳрида Тadbirlar қарарати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгашининг Пленуми бўлиб ўтди.

Йиғилиш аввалида мажлис иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотирасини ёд этиб, хурмат бажо келтирди.

Мажлисида 2016 йилнинг 4 декабр куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ЎзЛиДеПнинг иштироки билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатимиз ижтимоий-сийсий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга

бўлган ушбу жараёнда партиянинг фаол иштирок этиши алоҳида таъкидланди.

Мажлис иштирокчилари мазкур сайловда Тadbirlar қарарати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг номзоди ҳақидаги масалани ҳам атрофлича муҳокама қилди. Жойлардаги сайловчилар ва электорат хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, партиянинг навбатдаги VIII Съездида Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ЎзЛиДеП Сийёсий Кенгаши аъзоси Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини кўрсатиш таклифи яқдиллик билан қўллаб-қувватланди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 242-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сийёсий партияларнинг юқори органлари томонидан амалга оширилишини инобатга олиб, мажлис қатнашчилари томонидан партиянинг навбатдаги Съездини 2016 йил 14 октябрда ўтказишга келишиб олинди.

ЎзЛиДеП Сийёсий Кенгаши, шунингдек, мамлакатимиз сайлов қонунчилигида белгиланган муддатларда Марказий сайлов комиссиясига партиянинг сайловлардаги иштироки билан боғлиқ ҳужжатларни ўз вақтида тақдим қилиш, жойларда ушбу муҳим тadbirlar тайёргарлик борасида партиядан, туман ва шаҳар кенгашлари конференцияларини ўтказиш ва бошқа зарур чора-тadbirlarни амалга ошириш бўйича тегишли қарор қабул қилди.

ЎЗА

Кичик бизнес ва хусусий тadbirlar қорлик

Ички бозорда харидоргир



Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон тумани «Сурхон» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Чароғон текстил» корхонаси 2014 йилда фаолият бошлаган эди. 200 дан ортиқ турда тикув ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган ушбу корхона ўтган қисқа даврда ички бозорда ўз ўрнини топди. Бу ерда меҳнат қилаётган 160 дан ортиқ ишчи-ходимнинг аксарияти касб-хунар коллежини битирган ёш мутахассислардир.

СУРАТДА: «Чароғон текстил» корхонасида.

ЎЗА фотомухбири Фарҳод АБДУРАСУЛОВ олган сурат.

Кўрик-танлов

Моҳир мутахассислар сараланди

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари Самарқанд шаҳар кенгаши томонидан «Ўз касбининг моҳир эгалари» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ташкил этилди.

Тизим корхоналарида юзлаб ёшлар касб сир-асрорларини эгаллабгина қолмасдан, соҳага янгилик киритиш, ишлаб чиқаришда ўзларини кўрсатиш имкониятидан унумли фойдаланаётди. Касаба уюшмалари эса ана шундай ёшлар меҳнатини рағбатлантиришга қаратилган тадбирларга бош-қош бўлмоқда. Мазкур танловдан кўзланган мақсад ҳам ўз вазифасини сидқидилдан бажариб, изланувчанлиги, ташаббускорлиги, яратган янгилиги билан жамоа назарига тушганлар меҳнатини эътироф этишдан иборат.

Танловда турли соҳа мутахассисларига ўз иқтидорларини намойиш этиш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Якуний натижаларга кўра, Самарқанд шаҳридаги «Дак-тех» масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхона иқтисодчиси Фирдавс Ҳамроқулов танловнинг биринчи ўрин соҳибидир. Самарқанд қурилиш ва миллий хунармандчилик коллежи ўқитувчиси Райҳона Гафорова иккинчи, «8 Март» масъулияти чекланган жамиятининг тикувчиси Фарида Лукмонова эса учинчи ўринни қўлга киритди.

— Танловнинг кейинги босқичи зиммамга алоҳида масъулият юклатди, — дейди танлов ғолиби Фирдавс Ҳамроқулов. — Ўз ютуқларимни намойиш этиш баробарида, турли соҳаларда хизмат қилаётган ходимлар изланишлари билан ҳам яқиндан танишдим. Бундай тадбирлар кишини ўз устидан янада чуқурроқ ишлашга ундайди.

Ўз мухбиримиз

Ягона дарча

Тадбиркорнинг яқин ҳамкори

Навоий шаҳар ҳокимлигида ташкил этилган «Ягона дарча» марказида 16 турдаги давлат хизматлари кўрсатилади.

10 нафар ходим фаолият юритаётган марказни мониторинг, мини АТС, электрон табло жиҳозлари билан таъминлаш ишлари олиб борилаётди. АТ «Ипак йўли» банки вилоят филиали томонидан тўловларнинг тўғридан-тўғри амалга оширилишини ташкил этиш мақсадида терминал ўрнатилгани иш самарадорлигини ошираётди.

Навоий шаҳрида жорий йилнинг олти ойи давомида марказ томонидан 1217 та тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтказилган. Жумладан, яқна тартибдаги тадбиркор 974, оилавий тадбиркорлик субъекти 63, юридик шахс макомига эга тадбиркорлик субъекти 180 тани ташкил этилди.

Жорий йилнинг 1 июлга қадар марказга жами 1396 та тадбиркорлик субъектидан мурожаатлар қабул қилиниб, уларда баён этилган масалалар қонун доирасида ҳал этилмоқда.

Дилафрўза УРОЗОВА,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшма ҳаёти



Касбилик етакчи

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари тизимининг йирик тармоқларидан саналади. Тасарруфдаги фермер хўжаликлар ходимлари манфаатини ҳимоялаш, табиийки, катта масъулият талаб этади. Ботир Исломов тармоқ касаба уюшмаси Касби туман кенгаши раиси сифатида ушбу масъулиятни зиммасига олиб, ходимлар ишончини оқлашга ҳаракат қилаётди.

Эътиборли томони, жорий йилнинг олти ойида 56 та нодавлат ташкилотда касаба уюшмаси тузилиб, 844 нафар ходимнинг ҳуқуқлари ҳимояга олинди. Бундан ташқари, Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига ҳар бир туманда 25 та янги иш ўрни яратиш бўйича ташаббусга жавобан Касбида тармоқ касаба уюшмасининг фойдасиз кредитлари ҳисобига аҳолига сервис ва пуллик хизмат кўрсатишга ихтисослашган «Холматов Наврўзбек Азим ўғли» оилавий корхонаси, «Эргашев Обиджон Ориф ўғли» ЯТТ, «Улуғбек-Аббос Йўлдошев» МЧЖ ва бошқалар ташкил этилиб, 10 нафар коллеж битирувчиси ишли бўлди.

Шунингдек, вилоятда ташкил этилган «Энг ибратли хонадон», «Энг ибратли маҳалла» ва «Энг фаол тарғиботчи» танловларида фаол қатнашиш учун барча чоралар қўрилди. Унда Касбининг «Месит» маҳалла фуқаролар йиғини «Энг ибратли маҳалла» йўналишида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди.

— Меситлик деҳқонлар томонидан этиштирилган серсув сабзилар нафақат вилоятимиз, балки республиканинг бошқа ҳудудлари бозорларини ҳам тўқин қилмоқда, — дейди Ботир ака Исломов. — Шундай экан, уларни ҳар қанча эъозласак, оғирини енгил қилсак оз.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Бу муқаддас Ватанда

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ:

Тараққиёт одимлари



Чорак аср... Бу кўҳна тарих олдида жуда оз фурсат. Аммо Ўзбекистонда шу 25 йил ичида амалга оширилган ишларга назар солсангиз, барча соҳада юксалишга эришилганига ғувоҳ бўласиз.

Ўтмиш воқеаларини ҳамиша ёдда тутиш фойдадан холи эмас. Бир пайтлар халқимиз пахта ва пилла этиштиришга зўрма-зўраки мажбур этилган, ёш-у қари, ҳатто мактаб ўқувчиларининг дала юмушларига оммавий сафарбар қилиниши, ҳатто янги йил арафасигача эгاتларда қор кечиб юрилганини унутиб бўладими.

Шукрлар бўлсинки, мустақиллик аталмиш буюк неъмат халқимиз елкасига офтобдай заррин нурларини сочиб, чин эрк ва озодлиқни тўғша этди. Юртимиз дунёда тенглар ичра тенг бўлиб, жаҳон тан олган, керак бўлса, манаман деган давлатлар ҳам ҳар қандай масаллада ҳисоблашишга мажбур бўлган мамлакатга айланди.

Бугунги иқтисодий кўрсаткичларимизга эътибор қилсак, унда саноатнинг улуши 34 фоиз, экспортга чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар ҳиссаси 70 фоиздан зиёди ташкил этаётганини кўраемиз. Дунё саноатида бўлгани сингари юртимиз корхоналарида ҳам маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигига катта аҳамият берилиб, ишлаб чиқариш

тармоқларини модернизацيا қилишга қаратилган истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бундай юксак марралар сари интилаётган ҳудудлар қаторида саноатлашган Фарғона вилоятини ҳам алоҳида тилга олиш мумкин. Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулот 6,9 фоизга, саноат товарлари тайёрлаш 13,3 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 15,3 фоизга ошди. Маҳсулотларнинг 108,7 миллион АҚШ долларига тенг қисми экспорт қилинди. Вилоятга кириб келаётган инвестицияларнинг 70 фоизи замонавий технология ва модернизацيا ишларига йўналтирилди. «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи», «Фарғонаазот», «Қува-сойцемент», «Қувасойшифер», «Қўқон-суперфосфат», «Фарғона ДЭУ текстил», «Индорама текстил» сингари юзлаб ишлаб чиқариш корхоналари маҳсулотлари хорижда рақобатбардошлиги билан ажралиб туради.

«УЙКУДАГИ ГЎЗАЛ» УЙҒОНДИ... Мустақиллик йилларида Фарғона шаҳри беқисс даражада гўзал ва обод масканга айланди. Кенг кўламли бунёдкорлик, қайта қуриш ва реконструкция ишларидан сўнг нафақат юртдошларимиз, балки чет эллик меҳмонлар ҳам шаҳарнинг кўркамлигидан лол

Яшнаган водийнинг

ёхуд бир ўлкаки, тупроғида

қолмоқда. Давлат дастури доирасида қисқа вақт ичида янги Театр-концерт саройи, Сув спорти мажмуаси, «Истиқлол» марказий ўйингоҳи, Фарғона халқаро аэропорти ва шаҳар халқа йўлининг бунёд этилишини ана шу ўзгаришлар сирасига киритиш мумкин.

Дарҳақиқат, шаҳарда кейинги икки йилда 24 та замонавий кўп қаватли уй-жой қурилиши бошланган бўлиб, уларда 492 та тураржой ва 130 дан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш объектлари мавжуд. Бу йўналишдаги ишлар давом этирилиб, жорий йилда яна кўшимча 16 та кўп қаватли уй-жой қурилиши олиб бориламоқда.

Жорий йилнинг май ойида Фарғона «Универсиада — 2016» спорт ўйинларида мезбонлик қилди. Шу муносабат билан шаҳарда яна қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Айниқса, Фарғона халқаро аэропортининг расмий делегацияларни қабул қилиш биноси қайтадан реконструкция қилиниши айна муддао бўлди. Шаҳардаги Ал-Фарғоний, Мураббийлар, Ватан равнақи, Маърифат, Марғилоний ва Сайилгоҳ кўчаларида йўл таъмирлаш-қуриш ишлари олиб борилиб, йўллар янада роволашди.

Мусобақалар ўтказиладиган жами 16 та объект, жумладан, 7 та спорт иншооти, 6 та иштирокчилар тураржойи, 3 та овқатланиш жойи таъмирдан чиқарилиди. Жумладан, Фарғона политехника институтининг талабалар ошхонаси, 1080 ўринли 4 та талабалар тураржойи, спорт зали, Фарғона давлат университети 2 та талабалар турар жойи ва ошхонаси, футбол майдони, спорт зали ва сузиш ҳавзасидан иборат спорт мажмуаси. Ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби баскетбол ва оғир атлетика заллари, «Истиқлол» марказий ўйингоҳи ва Футбол академияси, Фарғона давлат университети қошидаги академик лицей ётоқхонаси, Фарғона шаҳар Солиқ иши йўналишидаги касб-хунар колле-

жи ётоқхонаси ва ошхонаси сингари объектларда жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Шаҳардаги Марғилонсой устига 2 та янги кўприк қурилиб, 8 таси тўлиқ реконструкция қилинди. Марғилонсой ўзани реконструкция қилиш, икки қирғоғида пиёдалар йўлакчалари ташкил этиш, панжаралар ўрнатиш ва ёритиш тизими қуриш ишлари тугалланди. Шаҳарнинг марказий кўчаларида 4 та хиёбон ташкил этилиб, мусиқали ёриткичли фавворалар қуриб фойдаланишга топширилди. «Мустақиллик» кўчасида янги замонавий «Ёшлар маркази» ҳамда ландшафт архитектура асосида Каштанзорлар кўчаси ташкил этилди. Қаранг-а, битта спорт тadbри доирасида қанчадан-қанча ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Бунёдкорлик ишларидан илҳоми жўшган отахон ижодкор, Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимов шаҳар қиёфасини «Уйқудаги гўзалнинг уйғониши»га қиёслади. Нақадар эсда қоларли, гўзал ташбех.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан шаҳар марказидаги 25 та кўчада намунали тарзда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шундай юмушлар барча шаҳар ва туманларда ҳам амалга оширилгани эътиборга сазовор.

КУВА БОҒЛАРИДА...

Фарғоналиклар боғдорчилик ва деҳқончиликда донг таратган. Олтириқ ҳусайни узуми, Қува ширин анори ва олхўриси, Водил сувли олмаси, Бувайда анжири, Қўқон гилоси билан дунёга машҳур.

Фарғона — Андижон магистрал йўлидан кетаётган Қува боғларига кўзингиз тушади. Боғларда пишиб етилган меваларни кўриб беҳитиёр «Отанга раҳмат, бободехқоним!» деб юборасиз. Ахир бундай паст-баланд қирларда кўркам боғ яратиш фақат миришкор боғбоннинггина қўлидан келади. Бир ён анорзор,

Ижтимоий ҳимоя

Юксалишнинг ойдин йўллари

Истиқлол йилларида Ўзбекистон ўзининг автомобилсозлик саноатига асос солди. Биз учун мутлақо янги бўлган нефт ва газ қимёси, нефт-газ машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқларда эришаётган ютуқларимизни дунё тан олмақда. Жаҳон миқёсида ноб саналган йирик заводлар, саноат корхоналари ишга тушириляётди. Энг ривожланган давлатлар, дунёга донги кетган фирма ва компаниялар Ўзбекистон билан ҳамкорликка интиляпти.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати эса инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аҳоли фаровонлиги даражаси ва сифатини янада оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтган давр мобайнида мазкур йўналишларда кенг кўламли ишларга муносиб ҳисса қўиши мақсадида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, турли акциялар ўтказиш орқали эҳтиёжманд фуқаролар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш йўналишидаги ишлар бунга мисол бўла олади.

Бундай хайрли ишлар бизнинг фаолиятимизда ҳам ўз ифодасини топган. Жорий йилнинг шу кунига қадар бирлашма кенгашига меҳнаткашлар томонидан киритилган 227 та мурожаат (63 таси ёзма, 118 таси оғзаки ва 46 таси «Ишонч телефонлари» орқали) ўрнатилган тартибда кўриб чиқилди. Мурожаатларнинг 41 таси қаноатлантирилиб, 170 таси бўйича тушунти-

риш берилди, 6 таси тегишлилигига кўра бошқа органларга юборилди. Иш бевувиларга 14 та тақдимнома ва судга 7 та давво аризаси киритилиши натижасида 50 нафар меҳнаткашга 15 млн. 534 минг сўм маблағ ундириб берилди.

Бундан ташқари, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар, касб касалликлари ва улар туфайли етказилган зарар учун 12,9 млн. сўмлик тўловлар ундирилишига эришилди.

Ўтган давр мобайнида ижтимоий ҳимояталаб оилалар вакилларига моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида 1 минг 291 та корхонада 213 млн. 153 минг сўм маблағ йўналтирилди. Хусусан, 53 та корхона ва ташкилотда 62 та оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун фойдасиз сўдалар берилди.

190 та тармоқ корхонасига алоқадор эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган 720 та оила фарзандлари учун дарслик ва ўқув қуроллари харид қилиш харажатлари қопланди. 403 та корхонада фарзанди 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 517 нафар ёш онага моддий кўмак кўрсатилди.

Нодавлат мулк шаклидаги 293 та корхонада меҳнат қилаётган 363 нафар аёлга иш вақти ойлик маоши сақланган ҳолда ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди. 51 та корхонада 65 нафар аёлнинг ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари қуни узайтирилди.

Хулоса қилиб айтсак, касаба уюшмалари томонидан олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларни аъзоликка жалб этиш ишлари жадаллик билан давом эттирилиб, уларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтириб бориляпти.

Тўйчивой САРИМСОҚОВ,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари
бирлашмаси кенгаши раиси



Меҳнат муҳофазаси

Муҳим

Меҳнат муҳофазасини таъминлашда соҳага оид қонунларга риоя этиш, ишчи-ҳодимларга ҳафсиз меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш бериш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликларининг олдини олишда давлат ва жамоат назоратини олиб бориш муҳим омил саналади.

Бўлимимиз томонидан жорий йилнинг олти ойи давомида вилоятдаги корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишнинг қоида ва меъёрларига амал қилиниши жамоатчилик назорати тартибиди 50 мартаба ўрганилди. Иш беву-

чиларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича 49 та тақдимнома киритилди. Касаба уюшма ташкилотлари аралашуви билан ушбу камчиликларнинг аксарияти бартараф этилди.

Меҳнат муҳофазасига те-

азиздир инсон!

Чаман-бўстонни олтин гуллагай!

бир ён беҳизор, бошқа томонда шафтолизор, олмазорлар... Буни кўриб, Аллоҳнинг назари тушган юртда яшаётганингизга шукрона келтирасиз.

Мустиқлик йилларида боғдорчилик соҳасига катта эътибор қаратилгани бугун ўз самарасини бермоқда. Сархил мева-сабзавотларимиз дунёнинг ҳамма бозорини эгаллаган.

Вилоят ҳокимлигидан олинган маълумотларга кўра бу йил ҳудудда 1 млн. 947 минг тонна мева-сабзавот, полиз, картошка ва узум етиштириш, ушбу маҳсулотларнинг 300 минг тоннасини экспорт қилиш режалаштирилган.

Ҳозир айтиш керакки, палласи. Янги ташкил этилган 12 та агросаноат корхонаси маҳсулотларни пешма-пеш қабул қилиб, хорижий давлатларга экспорт қилмоқда. Бу меваларни сақлаш учун 16,8 тонна ҳажмли махсус музлатгич оборхоналар қурилди. Келгусида уларнинг ҳажмини 70 минг тоннага етказиш мўлжалланган.

Кува тумани Баҳор қишлоқ фуқаро-

лар йғини ҳудудда жойлашган «ALS GOLD» масъулияти чекланган жамияти обморларида бугун 300 тонна мева-сабзавот сақланмоқда.

— Хориж бозорларидаги талаб ва эҳтиёжни ўрганиб иш юритаямиз, — дейди МЧЖ раҳбари Дилмурод Ақромов. — Ҳозиргина 230 тонна сабази, 50 тонна ўрик, 60 тонна олхўри экспортга чиқарилди. Бу маҳсулотлар Қирғизистон, Норвегия ва Жанубий Корея бозорларига етказиб берилди.

Янги иш бошлаган корхонада ҳозирча 7 киши иш билан таъминланган. Келажакда бу ерда мева-сабзавот ва сутни қайта ишлайдиган цех ишга туширилса, иш ўринлари 100 тага етади. Кўришиб турибдики, қишлоққа саноат корхоналарининг олиб кирилиши аҳоли бандлигини таъминлашга замин яратди.

«Оқ олтин» кўп тармоқли фермер хўжалиги тумандаги илгор хўжаликлардан. Атрофи толлар билан қуршалган шинам дала шийони дам олиш масканини эслатади. Ховузда ўрдақлар сузиб

юрибди. Шарқираб оқаётган сувнинг овози сайроқи кушларнинг хониши билан кўшилиб, ажиб бир куй ҳосил қилади.

Шийлондан 100 метрлар нарида катта қурилиш олиб борилаётгани эътиборни тортади. Маълум бўлишича, бу ерда ҳам 200 тонна мева-сабзавот сақлаш учун совутичли обморхона барпо этилаётган экан.

Хуллас, вилоятнинг қай бир туманига йўлингиз тушмасин, яшнаб турган боғ-бўстонлар хусини кўз-кўз қилади.

ОИЛАВИЙ КОРХОНА — ДАРОМАД МАНБАИ

Кува туманидаги «Новкент» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда фаолият олиб бораётган «Абдумуталова Гулшаной файзи» оилавий корхонасига кириб борганимизда тикучи қизларнинг кўли-кўлига тегмасди. Бу ерда тикувчилик цехи билан бирга гўзаллик саломи, сартарошхона ва новвойхона фаолияти йўлга қўйилган экан.

Жорий йил феврал ойидан фаолиятини бошлаган оилавий корхонага тумандаги бешта тармоқ касабга уюшмалари ҳимийлик ёрдами кўрсатиб, тикув дастгоҳлари олиб берди. Натижада, 28 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланди.

— Ҳозирда маҳсулотларимизни маҳаллий истеъмолчиларга етказиб бераймиз, — дейди иш юритувчи Асрорбек Абдумуталов. — Корхона ва ташкилотлар, шунингдек, мактаб, коллежлардан буюртмалар олди. Насиб этса, яқинда маҳсулотларимизни Россия ва Қозоғистонга экспорт қилишни бошлаймиз.

Албатта, интиланганга толе ёр. Асрорбек яқинда пойтахтдаги «Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтган кўргазмада қатнашиб, мева консерва ускунасини сотиб олиш бўйича шартнома тузиб қайтди. Унинг эътирофи эътибор, оилавий корхонанинг афзалликлари кўп. Биринчиси, ҳукуматимиз томонидан солиқ имтиёзлари берилгани бўлса, иккинчиси, корхонанинг ўз хонадонда жойлашганидир.

КУВАСОЙ — САНОАТЧИЛАР ШАХРИ!

Вилоятдаги иқтисодий ривожланишлар ҳақида гап кетса, Кувасой шаҳрини четлаб ўтиб бўлмайди. Чунки бу шаҳар вилоят саноатида етакчи локомотивлардан биридир. Бу ерда бир неча йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритади. Улардан бири «Кварц» акционерлик жамиятидир.

Юқори сифатли шиша ва ойна маҳ-

сулотлари ишлаб чиқарувчи корхона истиқлол йилларида янада ривож топди. Олиб борилган модернизация ва технологик янгиланишлар натижасида ишлаб чиқариш қувватлари ортмоқда. Америка ва Италия давлатларидан келтирилган замонавий дастгоҳларда иш конвейр усулида ташкил этилиб, бир кеча-кундузда 175 минг дона шартли сигимдаги идишлар тайёрланаётди. Шу билан бирга, «Фаргона автоойна» корхонасига маҳсулот етказиб берилди.

Корхонада ишлаб чиқариш цехларини янгиланган ва кўшимча иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, корхона ёрдамида хўжалиқда чорвачилик ҳамда кўшимча 1 гектар боғда 510 туп мевали дарахтлар парваришланмоқда. Бу ерда яқинда иккита истиқболли лойиҳага қўл урилди. Биринчиси мева-сабзавотлар консервацияга мўлжалланган цехнинг очилиши бўлиб, пишқиқчилик мавсумида 20 киши иш билан таъминланади. Унинг ишлаб чиқариш қуввати бир кунда 3 тоннани ташкил этади. Иккинчи лойиҳага кўра, қадоқлаш учун саноат қозонини ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 7 киши мўқим иш ўрнига эга бўлди.

Корхона касабга уюшма кўмитаси раиси Баҳодир Ҳасановнинг таъкидлашича, бу ерда ишчи-ҳодимларга қулай меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилган. Уларнинг саломатлигини тиклаш учун корхона қошида 60 ўринли санаторий фаолият кўрсатмоқда.

— Жамоа шартномаларимизда аъзоларни ижтимоий, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишга қаратилган алоҳида бандлар мавжуд, — дейди касабқўм раиси Баҳодир Ҳасанов. — Маъмурият ва касабга уюшма кўмитаси томонидан ишчи-ҳодимларни қадимий шаҳарларимизга саёҳатини ташкил этишга катта эътибор қаратиляпти. Бу мавсумда 45 нафар аъзоимиз саёҳатга олиб борилди.

...
Ҳа, бугун кўз ўнгимизда чирой оцаётган Фаргона вилоятининг ҳар бир гўшасида беқияс янгиланишлар рўй бермоқда, қурилиш ва бунёдкорлик ишлари авжида. Энг мўқими, турмуш маданияти юксалиб, яшаш шароитлари тобора яхшиланиб бораётган юртдошларимиз мамнулик ва шукроналик билан яшашмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, фарғоналиклар меҳнат қилишни ҳам, дам олишни ҳам қойил-латадиган шинаванда эл.

Абдулхай ЮСУФОВ, «Ishonch» мухбири

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ЧЕККАНЛИК УЧУН ЖАРИМА

САВОЛ: Корхонамиз раҳбари иш жойида, белгиланмаган ҳудудларда чеккани учун ходимларга мамлакатимиз қонунларига кўра жарима қўлланилиши тўғрисида оғоҳлангирди. Қандай жойларда чеккиш тақиқланган ҳудуд деб ҳисобланиши тўғрисида маълумот берсангиз.

Г.МИРЗАЕВ, Чилонзор тумани

ЖАВОБ: Дарҳақиқат, 2015 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга асосан белгиланмаган жойларда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилганини учун жавобгарлик қўйилтирилди.



Унга кўра иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда, шу жумладан, автомобилларга ёқилги қўйиш шохобчаларида ва бошқа жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш (бундан тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойлар ёки хоналар мустасно) энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, мазкур қонунда, маҳаллий ва узоқ масофага қатнайдиغان поездларда, дарё кемаларида белгиланмаган жойларда, шаҳар атрофида қатнайдиغان поездларнинг вагонларида (шу жумладан, тамбурларида), шаҳар ичида, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда қатнайдиغان автобусларда, шунингдек, таксиларда, йўналишли таксиларда ҳамда шаҳар электр транспортда тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш — энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми миқдорида, ҳама кемаларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш — энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлиши белгилаб қўйилган.

Шу ўринда жавобгарликка тортиш қоидабузарликни аниқлаган иш берувчи томонидан амалга оширилиши мумкин эмаслигини таъкидлаб ўтиш керак. Мазкур ҳолатда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248-моддасига мувофиқ жавобгарликка фақатгина ички ишлар ходимлари тортиши мумкин.

КАРТОЧКАДАН ТЎЛАСА БЎЛАДИМИ?

САВОЛ: Қоидабузарлик учун белгиланган жаримани ҳозирда бошқа имкониятми йўқлиги туфайли дўстимнинг пластик картасидан банк орқали тўламоқчи бўлдим. Бироқ банк ходимлари уни қабул қилишни рад этишди. Айтишларича, бошқа одамга тегишли картдан тўлов қилиб бўлмас экан. Шу тўғрисида?

Д.ШАРИПОВ, Фарғона тумани



ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 30 апрелда давлат рўйхати олинган «Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 2-бандида банк пластик карта эгаси бўлмаган шахс, карта эгасининг рухсатисиз ундан фойдаланиши мумкин эмаслиги қайд этилган.

Адлия вазирлигида 2013 йил 21 ноябрда давлат рўйхатига олинган «Тижорат банкларида жинсий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат» қоидаларининг 22-бандига асосан тижорат банклари жисмоний шахслар томонидан тижорат банкида жойлашган терминаллар орқали пластик карталардан фойдаланилган ҳолда операциялар (нақд маблағлар ечиш, товар ва хизматларга тўловлар) амалга оширилганда (коммунал ва алоқа хизмати, бюджет, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бундан мустасно) миқозларни лозим даражада текшириш бўйича мустиқл равишда чора-тадбирларни қўришлари мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Юқоридегиларга кўра банк ходими жарима учун тўловни бошқа шахсга тегишли карточкадан фойдаланиб амалга оширишни истаган фуқародан ҳам қабул қилади. Бироқ карта эгасининг розилигини аниқлаш юзасидан мустиқл текширув ўтказиши мумкин.

БОҒЧАГА ИМТИЁЗ БИЛАН...

САВОЛ: Фарзандимни болалар боғчаси (МТМ)га жойлаштирмоқчиман. Бироқ маҳалламиз ҳудудидagi МТМ мудираси ҳозирда жой йўқлиги сабабли фақат имтиёзга эга болалар олинаётганини айтди. Қандай болалар МТМга имтиёзли равишда қабул қилинади?

Н.ХОЛБОЕВА, Термиз шаҳри

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг «Мақтабга таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 1- ва 2-группа ногиронлари, кўп болали оилалар, ҳарбий хизматчилар, талабалар ва педагогларнинг фарзандлари мактабга таълим муассасасига қабул қилишда имтиёзлардан фойдаланади.



Уларнинг ота-оналари (уларнинг ўринини босувчи шахслар) қабул комиссиясига қўшимча равишда ногиронлиқни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси, кўп фарзандли оила эканлиги тўғрисида тураржойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан маълумотнома, талабалар учун таълим муассасасидан маълумотнома, ҳомийлар тўғрисида мактабга таълим муассасасининг раҳбарияти ва касабга уюшмаси томонидан тасдиқланган ҳимийлик ёрдами кўрсатилганлиги ҳақидаги далолатнома, педагоглар иш жойидан маълумотнома тақдим этади. Йўлланма олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар қабул комиссияси томонидан 10 кунлик муддат ичида кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинади. Қарор тўғрисида 3 кунлик муддат ичида ариза берувчиларга маълум қилинади.

Саволларга Пайариқ тумани 2-ДНИ нотариуси Азамат БОЛИЕВ жавоб берди.

Саноат корхоналарида

Меҳр-оқибат риштаси

Корхонамизда 34 та цех, бўлим ва участкаларида 7,5 мингдан зиёд ишчи-хизматчилар, муҳандис ва техник ходимлар меҳнат қилапти. Ишлаб чиқариш бўлиmlаридa янги техника ҳамда технологиялар, замонавий, илгор тажриба ва усулларни кенг жорий этиш, шу асосда янги турдаги маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйишни ўз олдимизга мақсад қилганмиз.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 126,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, режа 107,9 фоизга бажарилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Халқимизда ёши улуг инсонларга ҳурмат-эътибор, иззат-икром кўрсатиш азалий қадрият саналади. Шу боис ҳам жамоада меҳнат қилиб, айти пайта кексалик гаштини сураётган ҳамкасбларимиз ҳолидан ҳабар олиниб, доимий равишда моддий ва маънавий рағбатлантириб келинмоқда. Қолаверса, эҳтиёжманд,

ўзгалар парваришига муҳтож бўлган нафақадаги ходимларнинг уйини таъмирлашга кўмаклашяётир. Шунингдек, шифокор йўлланмасини олган фахрийлар корхона тасарруфидaги даволаш-профилактика муассасасида даволанишяпти.

Ишчиларга қулай меҳнат шароити яратиш мақсадида корхона ошонаси замон талабларига мос равишда таъмирдан чиқарилди.

Йил давомида касабга уюшма кўмитасига моддий ёрдам сўраб қилинган мурожаатлар асосида 264

нафар ишчи-ҳодимга 59162,0 минг сўм маблағ ажратилди. 101 нафар ходимга саломатлигини тиклаш учун санаторийларга йўлланма берилди.

«Соғлом оила» шиори остидаги республика оилавий спорт мусобақаларининг корхона босқичи ўтказилиши ишловларини ва уларнинг оила аъзоларини оммавий спорт турларига қизиқишини ошириш, аиниқса, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилди.

Корхонада узоқ йиллар меҳнат қилган 47 нафар ходимнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига саёҳати ташкил этилди.

Ишчи-ҳодимлар ҳамда уларнинг фарзандларининг маданий-маърифий дам олиши, спорт тўғрaқларига қатнашиши учун «Кимёгар» маданият саройида шароит яратилган.

ОМИЛ

гишли қонун ва қоидаларни кенг тушунтириш, ходимлар билим савиясини янада ошириш мақсадида ўқув-семинар ва давра суҳбатлари ўтказиш аниана тусини олган. Барча шаҳар ва туманларда, корхона ва ташкилотларда «Меҳнат соҳасидаги мўқим аҳамиятга молик масалалар», «Иш жойида стрессни бартараф этиш» сингари мавзуларда ўқувлар ташкил этилмоқда. Жамоа шартномаларининг 21 та лойиҳасида меҳ-

натни муҳофаза қилиш бўлиmlари экспертизадан ўтказилиб, тегишли хулосалар берилди. Ушбу лойиҳаларга меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси, ходимларнинг ишлаб чиқаришда жараҳатланиш ва касб касалликларидан иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш масалалари, сайланган вакилларнинг иш берувчилар ҳисобидан моддий ва маънавий рағбатлантиришни кўзда тутувчи бандлар киритилди. Жараҳатланишлар, касб касалликлари ва улар туфайли етказилган зарар тўловлар ҳақида иш берувчилар

томонидан тақдим этилаётган маълумотларни таҳлил қилиб, амалий ёрдам берилди. Ўз вақтида тўлаб берилмаган зарар тўловлари ҳисоб-китоб қилиниб, суд орқали 12,9 млн. сўм зарар тўловлари ундирилди. Ўтган вақт давомида иккита суд жараёнида мутахассис сифатида қатнашиб, жараҳатланганлар фойдасига 24,6 млн. сўм ундиришга эришдик.

Шухрат РАХИМХУҲАЕВ, вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудир



Кўшаҳифани «Ishonch» мухбири Абдулхай ЮСУФОВ тайёрлади.

ЎЗА суратлари

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Баркамол авлод — юрт келажяги

Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар марказида «Очиқ эшиклар куни» ташкил этилди. Тадбирда пойтахтимиздаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчиларга тўғрақлар фаолияти ҳақида кенг маълумот берилди.



ларига 3 академик соатдан ҳафтада 2 марта келиб таълим оладилар.

Техник ижодкорлик йўналиши бўйича авиамодел, радиотехника, компютер дизайни ва графика, компютер сабоқлари, бадий ижодиёт йўналиши бўйича кулчилик, бичиш-тиқиш, тўқиш, мунчолик безак, ёш мусаввир, тасвирий санъат, майда пластика, либослар дизайни, кўғирчоқ театри, фолклор рақс, халқ рақслари, замонавий рақс, эстрада вокал, ёш доирачилар тўғрақлари ёшлардаги иқтидор ва қобилиятни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Чет тилларни ўрганишга қизиқиш катта бўлгани тўғрисида инглиз, немис, француз, хитой, рус, ўзбек тиллари тўғрақлари ташкил қилинган бўлиб, 500 нафарга яқин ўқувчи машғулотларда иштирок этаяпти.

Ўқув йили давомида 2 марта давлат талабларининг бажарилиши бўйича назорат ишлари ўтказилади ва тўғрақ азосининг 216 соатлик ўқув дастурини тўла ўзлаштиргани ҳисобга олиниб, таълим олгани ҳақида гувоҳнома берилди.

Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази қатор халқаро, республика, шаҳар кўрик-танловларида иштирок этиб, лауреатлик дипломларини қўлга киритган. Жумладан, Бишкек шаҳрида ўтказилган халқаро болалар расмлари танловида юқори ўринларни эгаллади.

Москва шаҳрида бўлиб ўтган «Яшил сайёра — 2015» XIII Халқаро болалар экологик форумида «Либос дизайни», «Тасвирий санъат», «Тўқиш» тўғрақлари, «Севинч» вокал, «Зарб» доирачилар ансамбли аъзоларининг ижодий ишлари билан иштирок этиб, «Асрий

қадриятлар ранг-баранглиги», «Яшил сайёра болалар нигоҳида» мавзuidaги расмлар танлови, «Табият. Маданият. Экология» танлови лауреати дипломларини қўлга киритди.

Болалар ва ўсмирларнинг экологик маданиятини ошириш, маданий меросимизни сақлаш, «Яшил сайёра — 2015» танловида тайёргарлик кўришга қўшган ҳиссаси учун марказ «Яшил сайёра» экологик ҳаракати бошқарув кенгашининг фахрий ёрлиги билан тақдирланди.

— Икки йилдан буён марказда керамика ҳамда расмчилик сирларини эгалладим, — дейди 71-мактаб ўқувчиси Бехруз Комилов. — Бу йил чет тиллар бўйича янги тўғрақлар ташкил этилганини эшитиб хурсанд бўлиб, хитой ҳамда инглиз тилларини мукамал ўрганиш мақсадида уларга аъзо бўлдим. Мактабдан ташқари бўш вақтим қизиқарли ўтапти.

— Бугунги кунда чет тилларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, — дея сўзга қўшилиди 50-мактаб ўқувчиси Муҳаммадхон Ҳикматуллаев. — Инглиз тили бўйича билимларимни мустаҳкамлаш билан бир қаторда хитой тилини ўрганишга киришдим. Чет тилларни мукамал ўрганиб, келажакда Ватанимиз тараққиёти учун ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўйишни истайман.

Хулоса қилиб айтсак, ҳозирги даврда ҳар томонлама юксак билим ва амалий кўникмаларни ёш авлодга етказиш, уларга муносиб билим чўққиларини эгаллашда кўмак беришни кучайтириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА, «Ishonch» мухбири

Ифтихор



Вакилларимиздан рекорд натижа

XV ёзги Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари кўплаб медаллар соҳибига айланишда давом этишмоқда.

Мусобақаларда иштирок этган спортчиларимиздан Александр Свечников енгил атлетиканинг найза отиш йўналишида 65,69 метр натижа билан Паралимпия ўйинлари рекордини янгиледи ва мусобақаларнинг олтин медалига сазовор бўлди.

Енгил атлетиканинг аёллар ўртасида ядро улоқтириш мусобақасида иштирок этган София Бурхонова 15,05 метрлик кўрсаткич билан мусобақанинг кумуш медалини қўлга киритди.

Шунингдек, Муслимаҳон Одилова ўзининг иккинчи кумуш медалини қўлга киритди. Муслимаҳон 100 метрга баттерфлей усулида сузиш бўйича кумуш медали соҳибаси эди. Бу сафар ҳамюртимиз 50 метрлик масофани эркин усулда 28 сония ичида сузиб ўтиб, яна бир кумуш медалга эга чиқди. Ушбу масофага эркин сузиш бўйича бронза медал вакилимиз Шоҳсанам Тошпўлатовага nasib этди. Ёдингизда бўлса, Шоҳсанам 200 метрга комплекс усулида сузиш баҳсларида бронза медали билан тақдирланди.

Эрақлар ўртасида мусобақаларда 50 метрга эркин сузиш бўйича Музаффар Турсунхўжаев бронза медалини қўлга киритди. Эътиборлиси, бу Музаффар учун ҳам XV Паралимпия ўйинларидаги иккинчи медалдир. У бунгача 100 метрга баттерфлей усулида сузиш бўйича бронза медалига лойиқ топилганди.

Шунингдек, енгил атлетиканинг ядро улоқтириш мусобақасида иштирок этган Хусниддин Норбеков 15,17 метр натижа билан бронза медални қўлга киритди. Шу ўринда мусобақаларнинг биринчи кунини Хусниддин диск улоқтириш баҳсларида 59,75 метр натижа билан жаҳон рекордини ўрнатиб, Паралимпия ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлганини ёдингизга солиб ўтамиз.

Медаллар жамғариш борасида делегациямиз таркибида Фотимаҳон Амилова пешқадамлик қилмоқда. Унинг ҳисобида XV Паралимпия ўйинларининг олтин, кумуш ва бронза медаллари мавжуд. Шунингдек, Хусниддин Норбеков (олтин, бронза), Муслимаҳон Одилова (2 кумуш), Музаффар Турсунхўжаев (2 бронза) ва Шоҳсанам Тошпўлатова (2 бронза) иккитадан медални қўлга киритишган.

Ҳозирги пайтга келиб делегациянинг ҳисобида 7 та олтин, 6 та кумуш ва 17 та бронза медали мавжуд бўлиб, бу — тарихимиздаги рекорд натижа!

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

Тўхфа

Чемпионлар маскани

Бойвут туманидаги «Учтурган» маҳалласида 960 ўринли мактабдан ташқари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фойдаланишга топширилди.

«Жавоҳир, Фарход ҳамкор сервис» қурилиш фирмаси бунёдкорларининг сазой-ҳаракати билан қад ростилаган спорт иншооти намунали ўйлардан ташкил топган янги маҳаллада жойлашгани билан ҳам қувонарлидир.

Мажмуа очилишида сўзга чиққанлар келажакда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб ўлгайиши ҳамда уларнинг енгил атлетика, баскетбол, волейбол, шахмат ва бадминтон каби спорт турларини маҳорат билан эгаллашларига кенг имконият очган иншоотда кўплаб истеъдодлар тарбияланишига ишонч билдирилди. Дарҳақиқат, футбол майдонини, югуриш йўлакларини, минг томошабинга мўлжалланган

тубрина, мураббийлар, ҳакамлар хоналари, кичик тренажёр зали барчада чуқур таассурот қолдирди. Шу кунгача туман мактабдан ташқари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиларининг 30 нафарини Ўзбекистон чемпионати совриндорлари бўлишган. Тадбирда чемпион ўқувчилар ҳам сўз олиб, маррани доим бандан олишга ваъда бердилар.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси туман кенгаши томонидан чемпионлар ва уларнинг фидойи мураббийлари эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

Барно ХОЛИМУХАМЕДОВА, Таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси Бойвут туман кенгаши раиси



Реклама ва эълонлар

16 сентябр — Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш куни

1985 йилда Антарктика атмосфераси ҳолатини кузатиш натижалари таҳлил қилинди. Курран заминнинг озон қатлами яхлитлигини сақлаш зарурати ҳақидаги масала жиддий тадқиқотлар олиб борилишига сабаб бўлди. Олимлар таркибида хлор ва бром бўлган моддаларнинг емирувчи таъсирини исботлашга муваффақ бўлди. Антропоген фаолият натижасида атмосферанинг озон қатлами сийрақлашуви Куйш радиациясининг Ерга келаятган оқимини кучайтиради, бу эса, ўз навбатида, биосфера ҳолати, инсон саломатлиги ва умуман иқлимга салбий таъсир кўрсатади.

Яхлитлигини сақлаш йўлида

Озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Монреал протоколининг имзоланиши глобал даражадаги муаммони ҳал қилишга имкон яратди. Кейинроқ протоколга тўртта ўзгариш киритилиб, улар емирувчи моддалар рўйхатини кенгайтирди, уларни ишлаб чиқариш ва истеъмолни тўхтатиш мuddатлари ҳамда экспорт-импорт амалиётларини чеклаш бўйича чора-тадбирларни белгилаб берди.

Ўзбекистон 1993 йилнинг май ойида Вена конвенцияси ва Монреал протоколга қўшилган. Айтиш жоизки, республикамизда 99,95 фоиз озон емирувчи моддалар фойдаланишдан чиқарилди. Бу Монреал протоколда режалаштирилган мuddатлардан анча олдин амалга оширилди. Табиатини муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, БМТ Тараққиёт дас-

тури ва Глобал экологик фонднинг «Иқтисодийёти ўтиш давридаги мамлакатлар ҳудудида озонини емирувчи моддалардан фойдаланишни жадал қисқартиришнинг бирламчи бажарилиши» қўшма лойиҳаси тузилгани ҳам юртимизда мавзуга жиддий эътибор қаратилганидан далоятлардир.

Мутахассислар сазой-ҳаракати билан озонини емирувчи моддалардан фойдаланишни камайтириш бўйича жиддий натижаларни эришилди. Ҳозирги вақтда озонини емирувчи моддаларнинг умумий истеъмоли 1967,2 тоннадан 9,86 тоннагача пасайтирилди. Лойиҳа доирасида совутиш ускуналари ва ҳавонини тозалаш тизимларига техник хизмат кўрсатиш амалиётлари тақомиллаштирилмоқда.

Абдуллатиф АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» мухбири

«Respublika mulk markazi» AJ «Toshkent mintaqaviy filial» бошланғич баҳоси охири бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказига тегишли, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Чинобод 8-уйда сақланаётган «УАЗ 3962» русумли, д/р 01/982ТВА бўлган 1990 йилда и/ч бошланғич баҳоси — 6 220 000 сўм, «УАЗ 2206» русумли, д/р 01/462ТВА бўлган 1999 йилда и/ч бошланғич баҳоси — 6 980 000 сўм, «УАЗ 452» русумли д/р 01/297АСА бўлган 1983 йилда и/ч бошланғич баҳоси — 4 500 000 сўм, «УАЗ 2206» русумли д/р 01/128ЛВА бўлган 1989 йилда и/ч бошланғич баҳоси — 6 150 000 сўм, «Газ 5204» русумли д/р 01 113 LVA бўлган 1984 йилда и/ч бошланғич баҳоси — 4 955 000 сўм, «Зил ММЗ 45021» русумли, д/р 01 109 LVA бўлган 1984 йилда и/ч бошланғич баҳоси — 6 450 000 сўм, «Газ 52» русумли д/р 01 376 АСА бўлган 1977 йилда и/ч бошланғич баҳоси — 4 860 000 сўм, «УАЗ 452» русумли д/р 01/118 LVA бўлган 1985 йилда и/ч бошланғич баҳоси — 4 775 000 сўм, «Газ 66» русумли д/р 01 114 LVA бўлган 1989 йилда и/ч бошланғич баҳоси — 5 670 000 сўм, «Газ 66» русумли д/р 01 115 LVA бўлган 1990 йилда и/ч бошланғич баҳоси — 5 740 000 сўм, «Трактор Т-40» русумли д/р 04-76 НТ бўлган 1985 йилда и/ч бошланғич баҳоси — 3 260 000 сўм, бўлган техник носоз ҳолдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2016 йил 19 октябр соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2016 йил 17 октябр соат 18:00. Автотранспорт воситалари шу кунни сотилмаган тақдирда, такорий савдолар 2016 йил 26 октябр кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2016 йил 26 октябр савдолар учун 24 октябр соат 18:00; 2016 йил 2 ноябр савдолар учун 31 октябр соат 18:00 да тўхтайтилади. Талабгорлар мўлк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини АИБК «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги ҳисоб-рақамда: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850 тўлашлари шарт. Савдо голибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотида шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темура шох кўчаси, 19-уй. Тел: 233-28-52. Расмий сайт: www.ftm.uz.

Гувоҳнома: 001580.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Маориф кўчаси, 4-уй эгаси Азаматов Махиржан Таоврич номига туман БТИСИ томонидан берилган қад-дастр ҳужжатлари ҳамда эгалик ҳуқуқини берувчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига! Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «КО'СИМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ бошланғич нархи бошқичма-бошқич охири бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

I. «Ўрикзор савдо комплекси» МЧЖ балансидаги, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Уйгур кўчаси, 487-уй манзилида жойлашган умумий майдони 23603 кв.метрга тенг бўлган «Савдо ва хизмат кўрсатиш мулкый мажмуаси».

Бошланғич нархи — 62 073 944 456 сўм. Баландас савдоси: Ўрикзор савдо комплекси МЧЖ. Фаолияти ихтисоси: Уз тасарруфидоги фойдаланишда бўлган мол-мулкларни ижарага бериш.

II. «Ўрикзор савдо комплекси» МЧЖ балансидаги, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Тошкент автотомобил халқа йўли кўчасида жойлашган умумий майдони 22728 кв.метрга тенг бўлган «Савдо ва хизмат кўрсатиш мулкый мажмуаси».

Бошланғич нархи — 42 762 493 610 сўм. Баландас савдоси: Ўрикзор савдо комплекси МЧЖ. Фаолияти ихтисоси: Уз тасарруфидоги фойдаланишда бўлган мол-мулкларни ижарага бериш.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'simas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Кораканмиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/факс: (0-371) 228-84-48. Веб-сайт: www.1kms.uz. Электрон почта: nieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001. Аукцион савдоси 2016 йил 20 октябр кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Кораканмиш кўчаси, 1-А-уйда ўтказилади. Аукцион савдоси шу кунини бўлиб ўтмаган тақдирда, такорий савдолар 2016 йил 4, 21 ноябр, 6, 22 декабр, 2017 йил 6, 23 январ, 7, 22 феврал, 10, 28 март, 12, 27 апрел кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдолари натижаларига зақалат пулини тўлашлари баъномаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кейинки олди-сотида шартномаси тузилади. Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси «Ko'simas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги банк рекевизитларига зақалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга бюртманнома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошлаб ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган кунини савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган аўкционда шаҳсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга бюртманномани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманин нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун қону ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортининг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қону ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига зақалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Кораканмиш кўчаси, 1-А-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: nieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларнинг ўтказиш ҳаётида қону билан қўрилган бўлган ҳуқуқларингизни бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефонини» зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг! БАРЧА ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

MUASSIS:



2007-йил 11-январда O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan.

Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodiyayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63 Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43 Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Bukxora ko'chasi, 24-uy E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftoning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Muxbirlar fikri tahrirchi nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUJUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32 Andijon — (+998-91) 475-23-60 Buxoro — (+998-93) 653-50-81 Jizzax — (+998-91) 943-67-44 Namangan — (+998-90) 260-50-77 Navoiy — (+998-93) 314-13-03 Samarqand — (+998-97) 915-50-87 Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55 Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07 Farg'ona — (+998-91) 141-27-70 Xorazm — (+998-90) 719-48-00 Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbachi muharrir:

Ulbodinov Navbachi: S.Abdurahmonov

Musahhili: S.Shodiyeva

Sahifalovchi: H.Abdullajilov

Bosilg'a topshirish vaqt — 21:50 Topshirildi — 22:50

«Shear» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.

Korxonalar manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ishlovi uchun kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosildi. Hojmi 2 bosma tobaq.

Buyurtma — 915. 14282 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Taxiriyot xisob raqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATB «Notepad Bank» Yashnabod filiali, bank kodi: 00959, STIP: 201133889, OKONX: 87100